

Ислом маданияти тарихининг олтунли, юлдузли япрогларида буюк бир кисми, шубха йўқдирким турклар тўғрисида ёзилгандир.

Юнондан Румога[1], Убадан Константаняга[2] кўчиб келгандан кейин таъсир этиб, таассублари тарафидан кўл-оёғи боғланиб қолган маданияти билан улум ва фунун Бағдод салтанатининг эгалари бўлган аббосийлар тарафидан[3] тургизилди ва тарбиёт кўрди.

Ул чоғларда ер юзини бахтли муҳаббат қабилари қоплаган аббосийлар салтанати ёлғизгина сиёсат негизи эмас, улум ва фунун тенгизи ҳам эди.

Аббосий салтанати нифок, низоъ, ахлоқсизлик, гурур, исроф ва зулм қабил қўб ижтимоий қасалларга тутулиб ўлгандан кейин унинг меросини яна ислом сиёсати билан ислом маданиятини ўз қўлларига олиб турклар қасқадилар. Аббосийлардан сўнг улугроқ ислом салтанатларини турклар қурдилар. Аббосийлар қўлидан чиқиб яна эғасиз қола бошлаган маданиятни турклар қсқадилар.

«Бизнинг Туркистонимиз эса мана шу буюк турк улусининг бешиги бўлмоғи билан ифтихор қилади...» Ёлғиз шуми?.. Аббосийлардан сўнг ислом салтанатига қоровуялик қилган турк ҳоконларининг охири ва улугларида бўлган Темур янглиг турк қаҳрамонини Туркистон етиштирди. Яна аббосийлардан кейин «маданияти башария»ни бошлари узра қўтарган турк олимларининг қаттақонлари бўлган Абу Али[4], Улугбек, Жавҳарий[5] ва Форобий қабил ҳикмат тирақларини Туркистон қикарди.

Афлотунлар қогинда Афина, Румо салтанатида Румо, аббосийлар ҳулофотинда Бағдод қанча тараккий қилган бўлса Темур ва Улугбеклар қамониди Самарқанд шунча тараккий қилган эди.

Бир қишининг қиясига қогирнинг қандай таъсири бор эса, бир қиллатнинг қиясига даҳи салтанат ва маданият ичқусининг шундайин таъсири бордир. Салтанат, бойлик ва маданият ичқулариди бизнинг қиямизни бузди, бизни қаст этди, қўлимиздади салтанат қиличи билан маданият дафтари қиди бир ёнға қўйиб қасфот қолқуларини олдиқ. Урдик, қолдиқ, ичдиқ, йиқилдиқ, ёндиқ ва шунлар учун бир-биримиз билан урушдиқ...

Мана шул чоғларда эдиким: Русия давлати бизнинг ўлкаларимизни қелиб қосди. Ортук биз Туркистон турқлари Оврўпа маданияти ташиғуқи бўлган рус қиллатига йўлиқган бўлдиқ. Маданий руслар билан қоришиб унларнинг далолати Оврўпанинг маданий ва ижтимоий усулларидан таъсир олмоғимиз қерақ эди.

Шуни қам айтиб ўтайлуққим мундай бир таъсирни рус қиллатининг авом табақасиндан олмоғи(ми)з мумкин эмас эди, қунқи бизнинг авомимиз унлардан юз қаротаба маданийроқ эдилар (ҳозир қам шундай). Русларнинг ўқуған, тарбияли қимсалариндан қосиализм ва қардошлиқ қаслақинда юрганлар қам императорлик ҳуқумати тарақиндан қувилиб, қисилиб турғанлари учун бизға бирор таъсир қўёлмас эдилар.

Колди: рус миллатчилари, рус бойлари ва рус пўплари билан шунларнинг қоровули бўлган император ҳукумати. Биз туркистонлилар ёлғиз шунларнинг қўлида қолдик. Не қўрган бўлсак шунлардан қўрдик.

Энди қўрайлик қани: шунлар бизнинг тараққийимиз ва Оврупа маданиятидан таъсир олмоғимиз йўлида бирор иш қилдилар ёхуд қилмоқчи бўлдиларми?!

Рус капиталистлари билан рус пўпларининг содиқ ва ишончли қоровуллари бўлган эски Русия ҳукушти элли(қ) йил орасида, Туркистондаги турк болаларининг фойдаларига бирор иш қўрдими, қўрмоқчи бўлдими?

Мана шу саволга, Малтаассуф[6], «йўқ!» дан бошқа бир жавобимиз йўқдир. Юртимиз: элли(қ) йиллик бир идорайи асқарийа остида турдиги учун биз Оврупанинг маданий миллатлари билан қўришолмадик, унларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрлариндан истифода қилолмадик. Бизнинг қўзларимизни очдурмаслик учун фикри очик тотор қариндошларимизнинг дахи Туркистонда мактаб очмоқлари манъ этилди.

Бизнинг диний ва миллий ҳиссиётларимизни ўлдурмақ тилаги билан Ўстраумов қаби мутаассиб пўпларнинг идорасинда газит[7] чиқарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни онглатмоқ учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва газитлар боғланди, шаръий маҳкамаларимизнинг ҳуқуқ ва салоҳиятларидан буюқ бир қисми қасб этилди.

Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вагон арбаларинда Туркистон ерлисининг ҳуқуқи Туркистон мусофири бўлган рус ва арманидан тубанда тутилди.

Бухоро ва Хива ҳукуматларининг доҳили истиклоллариға, миллий номуслариға турли баҳоналар билан тажовузлар қилинди. Бу икки ҳукумат ўз ўлкаларинда ўз ҳуқмларини юрутолмас бўлдилар. Мамақат ва миллат қоидалариға бу икки ҳукумат тарафиндан сира бирор ҳаракат содир бўлмади, содир бўлганда ҳам неча қизгин нўталари ва золимона таҳқир билан йўллари олинди.

Элли(қ) йилда(н) бери шундайин ҳақсизликлар ва зулмлар орасида бўғулиб қелган Туркистон буқун ўз мухториятини Хўқандда[8] эълон қилди. Хўқандда ижтимоъ этган[9] Туркистоннинг тўртинчи қурултойи ўз баённомасинда «Федаратса асосиға қурулган Русия жумҳурияти ила бирликда қолгани ҳолда Туркистон мухторияти» деган сўзни ёзиб, Рус ҳукуматиға содиқ қолдигини билдурди.

Шунинг ила баробар «Туркистонда ақият ташқил қилган миллатларнинг ҳуқуқтарининг ҳар жиҳатдан сақланмоғини ҳам тантанали суратда» эълон этилиб, адолат байроғини қўтарди.

Элли(қ) йилдан бери шунча зулм орасинда қолган Туркистон бу қун ўз мухториятини шунча адолат ва садокат билан эълон қилибдир. Билмадик неқундурқим, ҳозирда иш бошинда адолатчи большевиклар муни қабул қилмай туралар..!

(«Хуррият», 1918 йил, 63—64-сонлар)

Кайта нашри: «Шарк юлдузи», 1992, 4-сон, 183—184-бетлар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Х. Болтабоев.

[1] Юнондан Румога — Грециядан Туркияга кадар.

[2] Убадан Канстантаняга — Юнонистондаги шаҳар Убадан Константинопол, (яъни Истанбулга) кўчган маданият.

[3] Ислом тарихида умавийлардан халифаликни кўлга олган аббосийлар эронли Абу Муслим воситаси билан халифаликни эгаллаган бўлиб, уларнинг даврида мусулмонлик жаҳон микёсида катта шарафга эга бўлган. Хорун ар-Рашид, Маъмун сингари халифалар етишиб чиккан. Улардан сўнгги ислом жаҳонгирлигининг марка-зи Мовароуннаҳр ва Рум бўлган Темур Кўрагон ва Боязид темурийлар ҳамда усмонлилар сулолалари назарда тутилади.

[4] Абу Али — Абу Али Ибн Сино.

[5] Жавҳарий Абу Наср Исмоил ибн Хаммод (940—1008) — Фаробда тугилган. Кўпроқ Бағдодда яшаган тилшунос олим ва файласуф. Асосий асари «Тоҷу л-луга ва саҳоху-л-арабийя» («Лугат тожи ва арабчанинг хакикийси») асаридир. Араб тилида ёзилган бу асарнинг 1865—75-йиллар давомида Коҳирада нашр этилган нусхаси машхурдир.

[6] маалтаассуф — ажабланиш белгиси: таассуф.

[7] «Туркистон вилоятининг газети» ва унинг русча нашри «Туркестанские ведомости» ҳамда унинг муҳаррири Остроумов назарда тутилади.

[8] 1917 йилнинг 28 ноябрида Кўконда эълон этилган Туркистон Мухторияти назарда тутилади. Бу ҳақда Фитратнинг «Мухторият» мақоласига қarang.

[9] ижтимоъ этган — қўшилган, бириккан, жам бўлган.